ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 апрель куни Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ижрочи директори Вилгелм Ягги раҳбарлигидаги мазкур банк директорлари кенгаши делегациясини қабул қилди.

— Сизнинг мазкур ташрифингиз ўзаро алоқаларимизнинг тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир, — деди Ислом Каримов. — Гарчи ташкилотингиз Ўзбекистон ҳақида кўп маълумотга эга бўлса-да, мамлакатимизда кечаётган жараёнлар, амалга оширилаётган ишларнинг бевосита гувоҳи бўлиш Сиз учун катта имкониятдир. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзалроқ, деган гап бежиз айтилмаган. Шу маънода, мазкур ташриф ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш йўлида муҳим аҳамият касб этажаги шубҳасиз.

В. Ягги Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади. ЕТТБ Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонни энг муҳим ҳамкор санайди. Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, асосан, минерал хомашё ресурсларини ўзлаштириш ҳамда қайта ишлаш, энергетика комплекси, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, молия тармоғи, сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш каби соҳаларни ўз ичига олади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларни янада кенгайтириш, шу кунгача келишилган лойиҳаларнинг амалга ошиш жараёни, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор йўналишлари билан боғлиқ масалалар хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Исмоилов, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси Р. Азимов иштирок этди.

(ЎзА).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 4 апрель, шанба • № 41 (22.278).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

РЕСПУБЛИКА ПИЛЛАЧИЛИК СОҲАСИНИ БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 30 мартдаги Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгилансин:

а) «Пилла-Холдинг» холдинг компанияси бўйича:

пиллачилик корхоналари ва ташкилотларининг тут ипак қуртининг маҳсулдор турларини ҳамда дурагайларини яратиш ва жорий этиш, сифатли ипак қурти уруғи етиштириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

сифатли пилла етиштирилишини ва тайёрланишини, рақобатбардошли пилла ашёси ва ипак калава олиш учун уларни дастлабки қайта ишлашни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарини ва деҳқон хўжаликларини тут қаторлари ва майдонларини сақлаб қолганлик ва кенгайтирганлик учун рағбатлантириш;

қуруқ пиллани, пилла хомашёси ва ипак калавани товар маҳсулот сифатида шартнома асосида истеъмолчиларга — «Шойи» акциядорлик компаниясининг шойи тўқиш фабрикаларига ҳамда экспортга сотишда корхоналарга кўмаклашиш;

пиллакашлик ва ипак калава ишлаб чиқаришларининг илғор технологияларини жорий этиш соҳасида ягона техника ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;

б) «Шойи» акциядорлик компанияси бўйича:

шойи тўқиш корхоналарининг юқори сифатли соф ва аралаш шойи газламалар ишлаб чиқариш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

шойи тўқишнинг замонавий технологияларини жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янгилаш ва кенгайтириш бўйича корхоналарга кўмаклашиш;

шойи тўқиш ишлаб чиқариш тайёр маҳсулотини сотиш бозорларини кенгайтириш, экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;

корхоналар акцияларини, шу жумладан хорижий инвесторларга эркин сотиш, хорижий сармоялар иштирокидаги қўшма корхоналар ташкил этиш йўли билан шойи тўқиш тармоғида инвестициялар ўсишини таъминлаш;

2. Қуйидагилар: «Пилла-холдинг» холдинг компанияси таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар рўйхати, холдинг компаниянинг бошқарув аппарати тузилмаси, унинг ҳудудий акциядорлик бирлашмалари намунавий тузилмаси;

«Шойи» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар рўйхати ва унинг бошқарув аппарати тузилмаси;

«Ўзбек ипаги» уюшмасининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув аппарати тузилмаси тасдиқлансин.

3. «Ўзбек ипаги» уюшмаси раҳбарлари, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси раиси ва «Шойи» акциядорлик компанияси раиси (улар лавозимига кўра «Ўзбек ипаги» уюшмаси раисининг ўринбосарлари ҳисобланадилар) муассисларнинг умумий йиғилишида сайланадилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан лавозимга тасдиқланадилар.

Мақоми, маиший таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитларига кўра, уюшма раиси Ўзбекистон Республикаси вазирига, унинг биринчи ўринбосари — вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосарлари — вазир ўринбосарларига тенглаштирилсин.

«Пилла» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан келишган ҳолда «Пилла-холдинг» холдинг компанияси бошқаруви қарори билан лавозимга тайинланадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда:

«Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компанияси билан биргаликда янгидан хусусийлаштириладиган ипакчилик корхоналари мол-мулкини баҳоласин ва илгари давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар мол-мулкини қайта баҳоласин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1740 ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1939-сон Фармонига мувофиқ ипакчилик соҳаси корхоналарини хусусийлаштириш, янги ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари акциялари тўрт пакетини тақсимлаш ҳамда мавжуд акциядорлик жамиятлари акцияларини қайта тақсимлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин. Бунда эркин сотишга мўлжалланган акцияларнинг муайян қисми қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳамда пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга сотилишини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла-холдинг» ва «Шойи» компаниялари, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда «Атлас» (Наманган шаҳри), «Марғилон ипаги» (Марғилон шаҳри) ва «Хоразм ипаги» (Урганч шаҳри) акциядорлик жамиятларида пиллакашлик, ипак калава ишлаб чиқаришлари ва шойи тўқиш фабрикаларини ажратсин ва уларни белгиланган тартибда мустақил акциядорлик жамиятлари сифатида рўйхатдан ўтказсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзбек ипаги» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компанияси томонидан таъсис этилади. Уюшма устав жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги тугатилаётган «Пилла» уюшмасининг мол-мулки ва «Шойи» акциядорлик компанияси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва уюшма бошқа қатнашчиларининг таъсис бадаллари ҳисобига шакллантирилади.

«Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компанияси очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида таъсис этилади,

«Шойи» акциядорлик компаниясининг устав жамғармаси унга акциядорлик жамиятлари (шойи тўқиш корхоналари) акцияларининг давлат пакетларини траст бошқарувга бериш ҳамда компания бошқа қатнашчиларининг таъсис бадаллари ҳисобига шакллантирилади;

«Пилла-холдинг» холдинг компаниясининг устав жамғармаси унга «Пилла» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари акцияларининг назорат пакетларини траст бошқарувга бериш ҳамда холдинг компанияси бошқа қатнашчиларининг таъсис бадаллари ҳисобига шакллантирилади;

«Шойи» акциядорлик компанияси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ҳамда «Пилла» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари улар таркибига кирувчи давлат корхоналарини ва акциядорлик жамиятлари бўлган корхоналарни ушбу корхоналарнинг уларнинг траст бошқарувига берилган акциялари пакетларига мувофиқ бошқарадилар.

6. Белгилансинки:

«Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компанияси ўз акцияларини эркин, шу жумладан, хорижий инвесторларга, компаниялар таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари акцияларининг сотилмаган ва компанияларга берилган улушлари ҳамда уюшган аъзоларнинг таъсис бадаллари миқдорида сотадилар;

«Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компанияси акцияларини сотишдан олинган маблағлар 1999 йил 1 январгача бўлган даврда компаниялар ихтиёрида қолдирилади ва компаниялар корхоналари ва ташкилотларини реновация қилиш ҳамда улар маҳсулотини янгилаш учун фойдаланилади;

Компанияларнинг траст бошқарувига берилган, тегишли компаниялар таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари устав жамғармасининг 25 фоизи миқдоридаги акциялар давлат пакетлари дахлсиз ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорисиз хусусий мулк қилиб сотилмайди

«Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Пилла» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари шўъба корхоналар бўйича йиғма балансларини тузадилар.

Айланма маблағларни тўлдириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Пилла» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари шўъба корхоналарнинг бюджет ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларидан бўш молиявий маблағларини шартнома асосида қайта тақсимлаш ҳуқуқига эгадирлар.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва унинг ҳудудий акциядорлик бирлашмалари, «Шойи» акциядорлик компанияси хўжалик фаолиятини, шу жумладан уларнинг бошқарув аппаратлари ҳаражатларини маблағ билан таъминлаш уларнинг ўз хўжалик фаолияти, хизматлар кўрсатиш, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа даромадлар ҳисобига амалга оширилади;

«Ўзбек ипаги» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги тугатилаётган «Пилла» уюшмаси томонидан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади, «Пилла» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари эса тугатилаётган Қорақалпоғистон Республика «Пилла» уюшмаси, пиллачилар ширкатларининг ҳудудий мувофиқлаштирувчи кенгашлари ҳамда «Андижон ипаги», «Хон атлас» ва «Кумуш тола» акциядорлик компанияларининг ҳуқуқий вориси ҳисобланадилар, уларнинг шойи тўқиш корхоналарининг шартномалари ва мажбуриятларини мустасно;

7. «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналарини реконструкция қилиш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин, унга:

Тут ипак қурт уруғи етиштиришнинг юқори самарали технологияларини ўрганиш ва жорий этиш;

ипак қурти уруғи етиштириш, пилла хомашёси, ипак калава ҳамда соф ва аралаш шойи газламалар ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш;

ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва маҳсулотларни ички истеъмолчиларга ҳамда экспортга сотиш жараёнида ипакчилик барча қатнашчиларининг тенг иқтисодий манфаатдорлигини таъминловчи тармоқ инфратузилмасини яратиш тадбирларини маблағ билан таъминлаш юклансин.

Уюшма таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари акциялари давлат пакетларидан олинган дивидендлар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа молиявий тушумлар «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналарини реконструкция қилиш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда жамғарма маблағларини жамлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. «Ўзбек ипаги» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда:

бир ой муддатда «Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компанияси уставларини ишлаб чиқсин;

икки ой муддатда таъсис мажлисларини ўтказсин, уставларни тасдиқласин, кузатувчи кенгашлар ташкил этсин ва «Пилла-холдинг», «Шойи» компаниялари ҳамда янги ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари устав жамғармаларини шакллантирсин.

9. «Ўзбек ипаги» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда корхоналарни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш ҳисобига, техника билан қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ва уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

10. «Ўзбек ипаги» уюшмаси Жиззах вилояти ҳокимлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «Ниссё Иваи корпорейшн» компанияси (Япония) билан суперэлита, элита ва саноат ипак қурт уруғи етиштириш бўйича қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида бир ой муддатда таклифлар тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Белгилансинки:

«Пилла-холдинг» холдинг компаниясининг ипак қурт уруғи етиштирувчи, пилла тайёрловчи ва уни дастлабки қайта ишловчи корхоналарига қишлоқ хўжалиги корхоналари мақоми татбиқ этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, «Пилла» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари тутзорлар ва тут қаторларининг сақлаб қолиниши ва кенгайтирилиши учун жавоб берадилар.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, тегишли тижорат банклари, ташкилотлар ва корхоналар «Ўзбек ипаги» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда компания хўжалик юритувчи субъектларининг бюджетга тўловлар, кредитлар ва бошқа молиявий мажбуриятларга, шунингдек, улар бўйича пенялар ва фоизларга оид қарзларини белгиланган тартибда қайта расмийлаштирсинлар.

13. «Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчасидаги 62-уйга жойлаштирилсин, ушбу бино тасарруф этиш ҳуқуқисиз фойдаланиш учун «Ўзбек ипаги» уюшмаси балансига берилсин.

14. Мазкур қарорни бажариш билан боғлиқ бўлган ишларни мувофиқлаштириш учун ишчи комиссия тузилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 февралдаги 28-сон ва 1996 йил 26 июлдаги 268-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланисин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари М. З. Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 3 апрель

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ийд ал-Адҳа — Қурбон ҳайитини байрам қилиш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамаси «Дам олиш кунини 1998 йил 4 апрель шанбадан 6 апрель душанбага кўчириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

***

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки директорлари кенгаши делегацияси аъзолари Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрдилар.

Суҳбатда меҳмонлар Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида юртимизда юз бераётган кўплаб ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот олдилар. Янги сармоявий лойиҳалар, ҳамкорлик кўламини кенгайтириш ва унинг истиқболдаги устувор йўналишлари учрашувнинг асосий мавзуси бўлди.

***

Ўзбекистон альпинистлари дунёдаги энг юксак чўққи — Эверестга бўладиган экспедицияда иштирок этиш учун бугун жўнаб кетди. Экспедиция 4 апрелдан 25 майгача давом этади. Ватанимиз вакиллари 13 — 15 май кунлари 8848 метрлик чўққини забт этишлари мўлжалланган. 12 кишидан иборат биринчи ўзбек экспедициясини республика Давлат спорт қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда Альпинизм ва қоя забткорлари федерацияси ташкил этган. АҚШнинг миллатлараро «Interprobusiness» корпорацияси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси экспедиция ҳомийси бўлдилар.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Ийд ал-Адҳа байрами муносабати билан Қувайт халқи номидан ва ўз номимдан Сизга ва қардош Ўзбекистон халқига самимий қутловлар йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Барча мусулмонлар учун азиз бўлган бу байрам кунида қодир Аллоҳдан яхши ишларни амалга оширишда бирлигимиз, алоқаларимиз, ёрқин истиқбол ва ислом аҳли фаровонлиги йўлида ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашини тилаймиз.

Қодир Аллоҳдан Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистоннинг қардош халқига янада равнақ ва фаровонлик тилайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимизни қабул айлагайсиз.

Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Жобир Ал-Аҳмад АЛ-САБОҲ,
Қувайт Давлати амири

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари, муборак Ийд ал-Адҳа байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига, мамлакатингиз ҳукумати ва қардош халқига самимий қутловларим ва энг яхши истакларимни йўллайман. Мальдив Республикаси ҳукумати ва халқи ҳам бу қутловларга қўшилади.

Қодир Аллоҳ бутун мусулмон оламининг тинчлиги ва равнақи йўлида мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамласин.

Маъмун Абдул ҚАЮМ,
Мальдив Республикаси Президенти

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-Адҳа байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига, қардош Ўзбекистон халқига, шунингдек, барча мусулмонларга йўллаётган қутлов ва энг яхши истакларимга Иордания Ҳошимийлар подшолиги халқи ва ҳукумати қўшиладилар.

Жаноби олийлари, Сизга бўлган эзгу тилакларим ва юксак эҳтиромимни қабул айлагайсиз.

Ал-Ҳусайн бин ТАЛАЛ,
Иордания Ҳошимийлар Подшолиги Подшоҳи

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Софияга келган НАТО Бош котиби Хавьер Солана БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Югославияга қурол-яроғ киритилишини ман этиш тўғрисидаги қарорини қувонч билан кутиб олди.

***

29 апрелга мўлжалланган МДҲ давлатларининг саммити шу йилнинг май ойи охиригача чўзилиши мумкин. Бу ҳақда ўтган пайшанба куни Оқмола шаҳрида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев хабар берди.

***

Халқаро экспертларнинг Ироқдаги Президент объектларини текшириш бўйича фаолияти яқин келажакда муваффақиятли якунланиши кутилмоқда. Бу ҳақда Бағдодда БМТ махсус комиссияси раисининг ўринбосари Чарлз Делфэр баёнот берди. Ўз навбатида БМТ Бош котибининг ўринбосари, Президент объектларини текшириш бўйича махсус гуруҳ раҳбари Жаянта Дханапал ироқликлар дипломатларга нисбатан ҳамжиҳатлик ва хайрихоҳлик билан қараётганликларини мамнуният билан таъкидлаб ўтди. Дханапалнинг айтишига кўра, яқин кунларда барча муҳим саккизта объект текшириб бўлинади.

***

Европа Иттифоқи ХХРнинг умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилишини қўллаб-қувватлади. Европа Иттифоқи билан ХХР яқин ойлар ичида умумжаҳон савдо ташкилоти билан музокараларни йўлга қўйиб, Хитой томонига товар ва хизматлар бозорига кириш имкониятини таъминлашга ҳаракат қилишади.

***

Греция меҳнат вазири ўринбосари Христос Протопапаснинг ишхонасида қаттиқ портлаш юз берди. Афинанинг қоқ марказида жойлашган вазирликда бўлган ҳодиса полиция ва ўт ўчирувчиларни оёққа турғазди. Портлаш натижасида ёнғин бўлди. Полиция ҳозирча ушбу ҳодисани террорчилик ҳаракати деб, баҳолашга ботинолмаяпти. Тергов ишлари давом этмоқда. Қурбонлар ҳақида хабар йўқ.

***

Лондонда олий даражадаги Осиё — Европа иккинчи учрашуви очилди. Унда Европа иттифоқи аъзоси бўлмиш мамлакатлар, шунингдек Бруней, Вьетнам, Индонезия, ХХР, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Филиппин, Жанубий Корея ва Японияннинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этишмоқда. Бундай учрашувнинг ташкилотчиси Сингапур Бош вазиридир. У 1994 йилда ана шундай учрашувни доимий равишда ўтказиб туриш зарурлигини айтган эди. Биринчи саммит 1996 йилда Бангкок шаҳрида бўлганди.

***

Француз ўта ўнгларининг раҳбари Жан-Мари Ле Пэн социалистик партия аъзосини дўппослагани учун икки йилга фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилишга ҳукм қилинди. Версаль шаҳридаги округ суди томонидан чиқарилган қарордан келиб чиқадики, келгуси йилда Ле Пэн Европа парламентига бўладиган сайловда қатнаша олмайди.

ЖОН КЕРАКМИ, «КЎКИ»ДАН ЧЎЗ...

Диёнат ва хиёнат

Миллий банкнинг Қуқон шаҳар бўлими бошқарувчиси А. Маҳкамовнинг уй дарвозасини кимдир тақиллатди. Уй эгаси ташқарига чиқса, остонада эски таниши, Ўзбекистон тумани ижтимоий таъминот бўлиминг бошлиғи Абдуваҳоб Аҳмедов турибди. Салом-аликдан сўнг, меҳмон Маҳкамовга бир хат узатди:

— Бир нотаниш йигит шуни сизга беришимни сўради. Мени кўрқитишди. Бажармасам... бола-чақам бор, ахир, — дея Абдуваҳоб ғизиллаганича жўнаб қолди. Танишининг қилиғидан ҳанг-манг бўлган Маҳкамов хатни ўқидию, ўйланди. Оддий қоғозга нусха кўчиргич орқали босма ҳарфлар билан битилган хатда ундан 5 минг АҚШ доллари талаб қилинган. Агар бермаса, оила аъзолари ҳаётига тажовуз қилиниши билан қўрқитилган эди. Бунинг устига, агар бу йил ҳам ўз лавозимида ишламоқчи бўлса, йил охиригача ўша номаълум шахсларга яна 10 минг АҚШ доллари бериши шартлиги уқтирилган эди.

А. Маҳкамов бундай воқеаларни китобларда ўқиб, киноларда кўрган эди, холос. Шунга қарамай, у ўзини йўқотиб қўймади. Банк бошқарувчиси рэкетчилар хатидан ҳам кўра, бу жиноий ишга катта бир идора раҳбарининг аралашиб юрганига ҳайрон қолди. «Органгга айтсанг, ёмон қилади» дея хатда ёзилгани қилганига қарамай, А.Маҳкамов тегишли ҳуқуқ-тартибот идораларини бу воқеадан воқиф этди.

1997 йил 16 июль куни соат кундузи 16.00 да А. Аҳмедов Миллий банкнинг Қуқон шаҳар бўлимига кириб келди. А. Маҳкамов олдиндан тайёрланган 3 минг доллари Аҳмедовга узатди.

— Бу кам. Мен ҳам бировнинг буйруғини бажаряпман, — дея тўнғиллади норози қиёфада Аҳмедов.

— Қолган 2 мингини биринчи август куни оласиз.

— 10 минг доллар-чи?

— Унга ҳам навбат келади.

Ишлар режа бўйича кетаётган эди. Шими чўнтагида дўппайган 3 минг доллар димоғини чоғ қилган Абдуваҳобни банк эшиги олдида ички ишлар бўлими ходимлари тўхтатишди. Ҳолислар иштирокида у тинтув қилинганда, чўнтагидан махсус тайёрланган 3 минг АҚШ доллари чиқди.

Тергов жараёнида шу нарса маълум бўлдики, аслида Аҳмедовни ҳеч ким бу ишга мажбур қилмаган. Товламачилик йўли билан мўмай пул ишлаб олиш режасини тузган ҳам, бу режани амалга оширган ҳам Аҳмедовнинг ўзи бўлиб чиқди. Вилоят ички ишлар бошқармаси қошидаги суд-хатшунослик эксперти А. Маҳкамовга берилган хатни ҳам айнан А. Аҳмедовнинг ўзи тайёрлаганини аниқлаб берди.

Ўзбекистон туман суди товламачини жиноятига яраша жазолаб, 11 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Аммо бир нарса кишини ўйлантиради: онги, хулқ-атвори, савияси ўрта ҳол бир жиноятчи даражасида бўлган бу шахс қандай қилиб туман миқёсидаги катта бир ташкилотнинг бошлиғи бўлиб қолди экан? Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда йўл қўйилаётган қўпол хатоларнинг инъикоси эмас, бу ачинарли ҳолат?

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ОИЛА АСОСЛАРИ

Ватансиз оила, оиласиз Ватан бўлмайди.
Абдулла Авлоний

Маълумки, инсоннинг бахтли ва бебахт бўлиши, касб танлаши, ҳаттоки, кайфияти аксариятда унинг оиласига боғликдир. Оиланинг тақдири эса инсоннинг ўзига боғлиқ. Табиийки, жамиятимиз ҳолати, авваломбор унинг маънавий қиёфаси оилаларимизнинг қандайлигига боғлиқдир. Бу азалий ҳақиқат. Чунки, оила жамият деб аталувчи катта оиланинг ижтимоий-маънавий бўғини, кичик бир бўлагидир. Оила масаласига барча муаммолар бориб тақалади. Чунки, айнан оила заминида халқимизнинг бугунги куни ва келажаги бунёд этилади.

1998 йилнинг Оила йили деб эълон этилишининг ўзи оила масалаларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий умумдавлат масалаларини ҳал қилиш тизимида улкан аҳамият касб этишини яққол кўрсатиб турибди.

Оиланинг маънавий-ахлоқий қиёфаси аждодларимиздан бизга ўтган билим ва тажриба, маданий қадриятлар асосида ва замондошларимизнинг эришган ютуқлари негизида барпо бўлади. Бироқ, ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, ўзбек халқининг оилавий анъана ва урф-одатлари жуда юқори маданий даражада бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Бунинг учун биз фақатгина учта манбага мурожаат этамиз. Бу Абдурауф Фитратнинг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари», Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Ҳифзи сиҳати оила» (Оила соғлиғини муҳофаза қилиш) ва Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» ноёб асарларидир. Маълумки, улар XX аср бошларидаги миллий тараққийпарвар ҳаракат бўлган Туркистон ва Бухоро жадидчилигининг кўзга кўринган вакиллари эди. Миллий зиёлилар ва тараққийпарвар кучларнинг мустамлакаси бўлган Туркистоннинг чуқур инқирозга юз тутганлигини, Россияга ярим қарам бўлган Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг аянчли аҳволини, уларнинг умумжаҳон жараёнларидан анча орқада қолиб кетганлигини, маҳаллий халқнинг эрк ва ҳурриятга интилишларини бўғиш сабабларини, иқтисодиёт ва маънавий ҳаётда турғунлик ва депсиниш ҳолатларини англаб етиши, уларнинг онгида жамиятни ислоҳ қилиш ғоясини пайдо қилди. Биринчи навбатда ислоҳот маданий-маиший ва маънавий ҳаётга тегишли эди. Жадидларнинг фикри бўйича оила асосини тўғри қурмасдан ва ёш авлодни тўлақонли тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас ва охир оқибатда миллат тақдири унинг оиласининг ҳолатига боғлиқ. Бу ғоя Фитратнинг асарида ўз ифодасини топган: «Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муназзам бўлади», — деб ёзади у. Фитрат бу ерда нафақат насиҳатгўй, балки мутахассис сифатида фикр юритади, чунки унинг таълимоти чуқур ва кенг билимларга асосланган, у инсонларга ахлоқ-одобдан сабоқ беришга, оилага қараш, уни тутиш қонун-қоидаларини одамларга ўргатишга ҳаққи бор, зеро бу масалада билим даражаси бўйича у билан замондошларидан ҳеч ким тенглаша олмас эди.

Бу, айниқса, оилада аёллар мавқеи масалаларида яққол кўринади. Зеро аёл — бу авваломбор рафиқа, фарзанднинг онасидир. Фитрат аёл киши ўзига эътиборли ва нозикқислик муносабатини талаб қилувчи оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини исботлайди. Аёллар, қизлар билим олишга ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ интилишлари лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар.

Бу албатта жамиятимизнинг тушунчасида барча масалалар ичида устун бўлган ҳолат. Лекин, ҳозир ҳам аёлнинг оиладаги тутган ўрнига мутаассиблик қарашлар мавжуд. Унинг тарафдорлари гўёки ислом қонунларига асосланиб, эскича удумларга кўра фақат уй хизматларини итоаткорона бажарувчи, жамоатдан мутлақо ажралган ҳолда девор ичида ҳаёт кечирувчи аёл қиёфасини тиклашга ҳаракат қилмоқдалар. Аслида эса, бу аёлнинг оила ва жамиятдаги ҳақиқий мавқеи ҳақидаги ислом таълимотини билмаслик ёки уни нотўғри талқин этиш демакдир.

Муаллифлар оила масаласининг Ватан тақдири билан чамбарчас боғланган ҳолда кўрадилар. Улуғ педагог Абдулла Авлонийни сўзлари юрагида ўз ёрига, ота-онасига, юртига меҳр туйғулари тўлқинланиб турган ҳар бир инсонни бефарқ қолдирмайди: «Кишини кеча ва кундуз ишлатадурган нарса Ватан ва болачақаларнинг меҳру-муҳаббати эмасму? Маълумки, Ватансиз оила, оиласиз Ватан бўлмайди, жамиятдаги бу икки нарса бир-бири билан узвий боғланади ва бири иккинчисини тўлдиради...». Демак, Авлоний фикрича Ватанга муҳаббат дунёда энг юксак туйғу ота-онага, болаларга бўлган севги билан баробар бўлиши керак.

Оила муаммоси энг аввало тарбия масаласи билан боғлиқ. Шунинг учун Авлоний, Фитрат ва Беҳбудий оилада бола тарбияси мавзусига ниҳоятда катта эътибор берадилар. Тарбия вазифасини улар ота ва она орасида тенг равишда олиб бориш кераклигини такрор уқтирадилар.

Ҳеч кимга сир эмас, кўпчилик оилаларда оталар бўш вақтларини телевизор олдида ўтказиб, тарбияга энг қулай вақтларни, айниқса ўғил болаларни сўзга, ота сўзига ташна бўлган дамларни қўлдан бой бериб қўядилар. Дўстлик муносабатлари ўрнига бефарқлик ва буйруқ бериш тартибларини қўллайдилар.

Муаллифлар нафақат назариётчи, балки ўз ғояларини амалда ишлатадиган педагог эдилар. Масалан, Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз фарзандларини (уч ўғли ва бир қизи) тарбияси билан шахсан шуғулланган. Уларни етук билимлар эгаси, ажойиб инсонлар қилиб етиштирган. У ўз дастурига амал қилиб (бу унинг «Икки тил эмас, тўрт тил лозим» мақоласида ўз аксини топган), фарзандларини ўзбек, форс, рус ва француз тилларини мукаммал билувчи мутахассислар қилиб етиштирган.

Эътиборга молик томони шундаки, муаллифлар ўз қарашларини Қуръон ва ҳадислардаги оятлар билан изоҳлаб, тушунтирадилар. Абдулла Авлоний «Бизим шариати исломияда» «аҳлоқи хасана» — яхши халқлар ила хулқланмак, ҳар нарсага ибрат кўзи ила боқиб хулқни тузатмак вожибдир» дейди. Яхши хислатлар ичида у болалар тарбиясига уқтириш лозим бўлганлардан: фатомат (ақл эгаси бўлиш), диёнат, исломият, ғайрат, риёзат (савоб ишларни қилиш), қаноат, шижоат, сабр, интизом, миқёси нафс, виждон, Ватанни суймак, ҳаққоният, назарий ибрат, иффат, ҳаё, идрок ва зако, итоат, ҳақшунослик, ҳайрихоҳлик, мунислик, садоқат, муҳаббат, вафо ва бошқаларни айтиб ўтиб, бу фазилатларни ота-оналар яхши билиб олиши ва нафақат ўзи амал қилиши, балки, ўз болаларида ҳам тарбиялаши ниҳоятда муҳим эканлигини уқтиради.

А. Фитратнинг фикрича, фарзандларни тўлақонли камол топтириб ўстириш учун унга кўп таркибли тарбия бериш муҳимдир, жисмоний тарбиядан бошлаб то ақлий ва маънавий тарбиягача. Фитрат боланинг руҳияти, ота-она ва фарзанд руҳиятларининг нисбати ва ўзаро боғланиши масаласига катта эътибор берар экан, бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги истеъдодли руҳшунос-педагог сифатида ҳам майдонга чиқади. «Одамнинг феъли ва ҳаракатини бир яхши шакл ва мазмунга келтириш учун руҳини тарбиялаш лозим» — деб ёзади у. Болаларни ўзига ишонган, кучли, топқир, чаққон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз қадр-қиммати, шаънини ҳурмат қилиш, руҳини, ҳиссини тарбия қилмоқликни шунингдек, ён-атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмоқ керак. «Болаларни шундай тарбия этиш лозимки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч қачон хазон бўлмасин... Ота-она болага мамнунлик ва хурсандчилик этишни ман этмасликка, балки, ахлоққа қарши бўлмаган ишлар билан мамнун ва масруф бўлишни қўллаб-қувватлаши керак» — дейди у, тарбиянинг ҳар бир таркибига атама белгилаб.

Фитрат ва Беҳбудий оилада нафақат маънавий, балки, жисмоний соғлиқ ҳукм суриши керак деб ҳисоблайдилар. Инсон учун энг аввало зарур бўладиган билим бу — «илми бадан ва хифзи сифатдур», деб ёзади Маҳмудхўжа Беҳбудий. У Фитрат билан ҳамоҳанг равишда Қуръони Карим ва ҳадисларга, ҳамда Голландия, Англия ва Франция олимларининг статистик тадқиқотлари натижаларига суянган ҳолда эрта оила қуриш ва эрта никоҳга киришнинг зарари, оила қурмасдан ҳам юришнинг, бир неча хотинликнинг зарарлари, ҳамда жинсий тарбия асослари ҳақида фикр юритади. Ўша даврда бундай мавзулар ҳақида фақат кенг дунёқарашга эга, юқори маданият ва салоҳият эгалари бўлган кишилар тўғри мулоҳаза юритишлари мумкин эди.

Ундан ташқари оилавий анъаналар маъносиз қоидаларга эмас, билимга таянган бўлиши керак деб таъкидлаганлар. Оила бор жойда албатта маиший ишлар, тўй-ҳашам ва бошқа маросимлар мавжуд. Жадидлар яшаган даврда ҳам, ҳозир ҳам бу борада замонавийликка ва эскиликка тортувчи жараёнлар бўлган ва бор. 1914 йилдаёқ М. Беҳбудий керак бўлмаган урф-одатлардан, дабдабали тўй-ҳашамлардан воз кечиб, бунга сарф этилаётган харажатларга болаларни чет элга, Европада ўқитишга сарф қилингиз, деб қайта-қайта мурожаат қилган.

Илм-фан юқори чўққига чиққан замонамизда билимсиз бўлиш чиндан ҳам муртадликдир. Ўзбек халқининг бу буюк мутафаккирларининг доҳиёна қарашларига таъзим қилган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, оила — фарзанднинг асосий тарбиячисидир. Лекин, бола тарбиясида муҳим аҳамият касб этувчи муҳитни ҳам назаримиздан чиқармаслигимиз керак. Оила нималигини биламиз, муҳитчи? У ўз-ўзидан мавжудми ёки уни ота-оналар ўз фарзандлари учун яратдиларми? Қисман-шундай, фикримча, ота-она, оила, оилавий шароит ташқи муҳитнинг асосига таъсир этади.

Миллат ва маънавият

Албатта, инсон касб танлаш, орзу қилган олийгоҳ ёки муассасасида ўқиб, ишлаши мумкин, лекин, у ҳамкасбларни танлай олмайди.

Шундай бўлса ҳам болалик ва ўсмирлик давомида олган тарбияси уни ўқиш ва ишда кўнглига яқин, муайян дўстлар танлашга йўналтиради. У ишлайдиган жамоанинг руҳи эса жамиятнинг умум руҳиятига, унинг мафкуравий йўналишига боғлиқ. Демак, муҳитни яратишда жамиятнинг ривожланиш концепцияси муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, концепция давлат томонидан вужудга келтирилади.

Юқорида билдирилган мулоҳазалардан биз инсоннинг индивид ва умумжамият аъзоси сифатида тарбияланишида ҳаётнинг ҳамма таркиблари — мактабдан бошлаб, давлатгача ҳамоҳанг равишда фаолият кўрсатадилар, деган хулосага келамиз. Шунга кўра давлат жамиятнинг барча ижтимоий-сиёсий муаммолари билан боғлиқ бўлган оила сиёсатини ишлаб чиқади. Бизнинг мамлакатимизда бундай оила дастури ишлаб чиқилиши тарихда учрамаган ноёб тажриба, десак муболаға бўлмайди.

Пировардида миллат тақдири оилалар ҳолатига боғлиқ. Кўриб турибмизки, буни бизнинг улуғ аждодларимиз ҳам тасдиқлайдилар. Ўтмишга мурожаат этсак, ўзбек халқининг оилавий анъаналари нақадар юқори маданий даражада бўлганлигини исботлайди. Мустақилликка эришганимиздан бери улар халқнинг ёдида қайта тикланиб, янгиланмоқда ва умумдунё миқёсида ҳам Шарқ, ҳам Оврупонинг юксак мақсадли тажриба ва ўзгаришлари билан бойимоқда. Буларнинг барчаси бугунги кунда маънавий бойлик ва тасаввурларнинг мажмуаси бўлиб, инсонларнинг демократик онгини бевосита ва билвосита шакллантиради, уларнинг ҳаёт тарзи, оилавий ва шахсий муносабатларига ижобий таъсир қилади.

Оилада демократия эса — бу ота-оналар ва болаларнинг ўзаро муносабатида иззат ва ҳурмат, аёлга чуқур эҳтиром ҳисси, оила аъзоларига нисбатан бурч ва мажбуриятларни билиш ва албатта, ҳуқуқий билимларга эга бўлиш демакдир.

Замонавий оиланинг янги бир белгиси эса, ҳозирги босқичда етакчи бўлиш зарурияти, яъни билимга эга бўлмасдан бирор-бир муваффақиятга эришиб бўлмаслигидир. Шу маънода Абдулла Авлонийнинг ажойиб шеъри ҳозирги замон зайлига мувофиқдир:

Идрок ила ақлингла аюр яхши ёмонни,
Беҳудага сарф этма, шу қиммати замонни.
Саъй эт, илму фунуна ҳаракат қил,
Боқ, сайладилар ҳикмат ила ушбу жаҳонни.

Дилбар АЛИМОВА,
тарих фанлари доктори

1

ҲАМ БАРАКА, ҲАМ ФОЙДА

Ислоҳот ва масъулият

Мамлакатимизда йилдан-йилга тадбиркору ишбилармонлар, фермерлар, ҳунармандлар кўпаймоқда. Кўплаб соҳаларда ўз касбининг фидойилари ҳалол меҳнат қиляпти. Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама янада ривожланишида ана шундай инсонларнинг ҳалол меҳнатлари бор, албатта.

Ҳозир иқтисодий ривожланиш, тараққий этиш даври. Изланиб, интилиб, ички имкониятлардан самарали фойдаланган жамоалар кундан-кунга ривожланиб, бойиб бораверади. Бу асосан ўша жамоанинг раҳбари-ю, ишчи-хизматчиларига боғлиқ. Бошлиқ кўпни кўрган, тажрибали, эртани кўра оладиган, жамоани ҳар қандай шароитда ҳам иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан таъминлай олсагина, ривожланиш бўлади.



Мамлакатимизнинг жанубий вилоятларидан бўлмиш Сурхондарёда ҳам ана шундай ишбилармон, тадбиркор, фидойи инсонлар кўп.

Денов нефть маҳсулотлари корхонаси директори Жалолиддин Қосимов шулар сарасидан. У кишининг ниятлари улуғ — корхонани ривожлантириш, кенгайтириш, қўшимча ишчи ўринлари ташкил этиш. Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашда кам бўлса-да, ўз меҳнати билан ҳисса қўшиш.

— Шу корхонада иш бошлаганимга ҳам 15 йилдан ошди, — дейди Жалолиддин ака. — Мақтанди деманг-у, ўз меҳнатим, қолаверса, жамоамизнинг аҳиллиги туфайли жуда кўп хайрли ишларни амалга оширдик. Қийинчиликлар, ишимизга тўғаноқ бўлганлар ҳам бўлди. Ҳозир ҳам бўляпти. Лекин сабр-бардош ва чидам билан меҳнат қилдик. Излаб интилдик. Йиллар ўтди, тинимсиз меҳнатимиз ўз самарасини берди.

Корхона дастлаб ташкил топган кезларда 4,5 минг тонна ёнилғи сақлаш ва тарқатиш қувватига эга бўлган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 10 минг тоннани ташкил этмоқда. Бундан ташқари шу йиллар ичида корхонада тикув цехи, оҳак ва ғишт ишлаб чиқарадиган цехлар бунёд этилди. Маиший хизмат кўрсатиш нуқталари, ошхона ва чойхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатадиган шаҳобчалар мунтазам ишлаб турибди. Корхонанинг асосий ишчи-хизматчиларидан ташқари юқоридаги соҳаларда юзга яқин киши иш билан таъминланган бўлиб, ҳар ойда маош олмоқда. Яширишнинг ҳожати йўқ, даромадимиз катта. Лекин, биз ундан оқилона фойдаланяпмиз. Ўтган йилда 456 миллион 636 минг сўмлик нефть маҳсулотлари сотиб, 3 миллион 865 минг сўм соф фойда олинди. Бетон, ғишт ва тикув цехларимиздан эса 7 миллион 727 минг 500 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундан 1 миллион 211 минг 654 сўм фойда қилинди. Маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларимиздан ҳам яхшигина даромад олдик.

Бозор иқтисодиёти даврида тадбиркорлик билан иш юритган жамоагина ўз йўлини топади. Кундан кунга ривожланади. Ўзимга тегишли юмушни уддаладим, бошқаси бўлаверади-да, деган ниятда меҳнат қилаётганлар янглишади. Ўзгариш, юксалиш даврининг тартиб-қоидалари ҳам ўзгача: ҳалол меҳнат, изланиш, тадбиркорлик билан иш юритиш. Шунга риоя қилган инсон ҳеч қачон адашмайди.

Яна бир гапни айтиб ўтай. Ҳар бир кишининг ўз иш дастури бўлиши даркор. Мозийга қайтиб иш тутиш хайрлидир... деб ёзганди Абдулла Қодирий. Ишонасизми, ҳар шанбада келгуси ҳафтада бажарилиши лозим бўлган ишларни режалаштириб иш дафтаримга ёзиб қўяман ва шунга қатъий амал қиламан. Ҳафта сўнггида ортимга назар ташлайман. Қандай ишлар бажарилди-ю, нималарга эришолмадим... Ана шундай қилсамгина иш юришади, шундагина муваффақият-у кўзланган мақсадга эришилади.

...Бир нарсага эътибор берганмисиз? Қаердаки иш яхши бўлса, ўша жойда муваффақият бор. Шунингдек, камчилик ва муаммо. Ички имкониятларни ишга солиб, бундай нуқсонларни бартараф этса бўлади. Аммо, айримлар борки ҳавас билан эмас, ҳасад билан яшайди. Бажарган хайрли ва эзгу ишларингни эмас, арзимас камчиликларингни кўпроқ «илғайди». Турли ташкилотларга қатнайвериб, ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам овора қилади. Аризабозликдан қўллари бўшамайди. Худо ана шундай «азамат»лардан асрасин...

Вақт — олтин дейдилар. Унинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланиш даркор. Келажак авлод учун яхши ва янги имкониятлар яратиш галдаги вазифадир.

Жалолиддин Қосимов раҳбарлик қилаётган аҳли жамоа ана шундай қутлуғ ниятларда меҳнат қилмоқда.

Содиқ СУЛТОН

2

НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Яқинда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1-клиник шифохонасида Наврўз байрамига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Йиғилганларни касалхона бош шифокори Муродин Қодиров Наврўз айёми билан қутлади. Катта қозонда ош дамланди. Сумалак тортилди. Шодиёнада шу касалхонада хизмат қилган Ўктам Орипов, Наби Мажидов, Саримбек Наврўзов, Нозима Деҳқонхўжаева ва бошқа олиму олималарни байрам билан қутлаб совғалар улашдилар. Ходимларга пул мукофоти топширилиб, кам таъминланган оилаларга совғалар улашилди. Куй-қўшиқ, рақс ва лапарлар байрам тантаналарига янада файз киритди.

Бобомурод РАЙИМОВ

3

Толбарг таққим келади.
Абдуғани ЖУМА олган сурат

4

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

1998 йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида мамлакатимизга Ҳиндистондан ташриф буюрган қатор фан ва маданият арбоблари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Профессорлар — Асқар Али Энжинир ва Мадхаван К. Палатларнинг маърузалари секуляризмнинг ҳиндча талқини ва ҳозирги Марказий Осиё ҳамда Ҳиндистонда интеллигенциянинг ўрни масалаларига бағишланди.

Шундай учрашувларнинг навбатдагиси 3 апрель куни бўлиб ўтди. Унда таниқли ҳинд дипломати ва ёзувчиси Джотиндра Натха Диксит ўз мамлакатида яқинда бўлиб ўтган умумий сайловлар натижасида юзага келган сиёсий вазият ҳақида маъруза қилди.

Учрашувда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М. К. Бхадракумар иштирок этди.

С. ШЕРАЛИЕВ

ШОҲБЕКАТЛАР БЕХАВОТИР БЎЛСИН

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ

Ўтган йили темир йўлларда ва поездларда содир этилган 11 минг 206 та қоидабузарлик ҳолати аниқланди. Шунингдек, 4174 та майда безорилик қайд этилди. Демак, беайб йўловчилар ҳам шунча марта безовта бўлди. Кимдир жиддий озор чекди. Негаки, жамоат жойида содир этилган 16 та жиноий ҳолат ва маст-аласт кишиларнинг кайфчиликда кўрсатган «каромати» туфайли руй берган 4 та жиноят оз кўринса-да бунинг замирида камида 40 нафар инсоннинг тинчлиги бузилди, деган аччиқ ҳақиқат ётади. Ахир, ҳар бир руй берган жиноятда икки киши — бир айбдор ва бир жабрланувчигина эмас, уларнинг оилалари ҳам озорланади.

Шуларни ҳисобга олиб тармоқ ИИБ томонидан вазирлик ва бошқарма раҳбарияти кўрсатмаларига асосан ҳар бир йўловчининг сафари бехатар бўлишини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Жумладан махсус номланган «Тозалаш» тадбирида дайдиликда гумон қилинган ўн мингдан зиёд киши атрофлича текшириб кўрилди. Шулардан 1667 нафари яшаш жойининг тайини бўлмаганлиги учун «Дайдиларни қабул қилиш ва тарқатиш» муассасаларига жўнатилди.

Яхшиси мисолларга кўчайлик. Ходимларимиз навбатчилик қисмига 1979 йилда туғилган Тошкент вилоятининг Ўрта-Чирчиқ тумани «Ҳақиқат» жамоа хўжалигида яшовчи Мусабек Н. исмли йигитни олиб келдилар. Суриштирувлар натижасида маълум бўлдики, бу йигит ИИБ томонидан қидирилаётган экан.

Дарвоқе, баъзан ўзини сипо тутиб кетаётган кишилар ҳам ҳужжати сўралганда безовталаниб қолишади. Уларнинг айримларидан эса гиёҳванд модда топилмоқда. Масалан, февралнинг дастлабки кунлари текшириш учун Тошкент бекатидаги йўловчилар орасидан навбатчилик қисмига олиб келинган Ҳамидхон Н.нинг ёнидан 387 грамм кучли таъсир этувчи гиёҳванд модда топилди. Ангрен шаҳрида яшовчи бу фуқаро устидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тошкент тармоқ ИИБ ходимлари Оролбўйи болаларининг дам олиш масканларига бехавотир келиб-кетишларини таъминлашга ҳам катта улуш қўшдилар. Айниқса, вояга етмаганлар билан ишлаш назорати ходимлари томонидан олиб борилаётган «Усмир», «Таъқиб», «Ойна», «Ёз» тадбирларида нафақат ўсмирлар томонидан содир этилаётган қонунбузарликлар, балки айрим жиноий хатти-ҳаракатларнинг ҳам олди олинаётир. Масалан, биргина «Ойна» тадбирининг ўтказилиши натижасида вагонлар ойналарининг синиш ҳолатлари 27 фоизга камайди. Ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи огоҳ чироқларининг шўх болалар томонидан уриб синдирилиши ҳам сезиларли тарзда қисқарди.

Болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб борилаётган профилактик тадбирлар самараси вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизга камайгани билан эмас, балки бахтсиз ҳодисалар руй бериши 11,7 фоизга қисқаргани билан ҳам қувонарлидир.

Ҳотам РАҲМАТУЛЛАЕВ,
милиция подполковники,
Ўктам РАҲИМОВ
милиция катта лейтенанти

PINAR

Барча Ўзбекистон фуқароларини Ийд ал-Адҳа — Қурбон ҳайити муносабати билан чин дилдан мубораквод этади. Ушбу улуғ байрам серқуёш мамлакатнинг барча оилаларига бахт-саодат келтирсин.

Ҳар бир хонадонга тинчлик, фаровонлик, қут-барака тилаймиз.

PINAR — Ҳаёт булоғи.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимиз ҳар томонлама ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиб бормоқда. Мамлакат фуқароларининг саломатлигини сақлаш масаласи муҳим вазифа бўлиб турибди. Айниқса, тиббиёт ва доришунослик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериляпти. Жаҳон талаблари даражасидаги илғор саноатни ривожлантириб, юксак сифатли тиббиёт технологиясини яратиш ҳамда самарали дори-дармонлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун тезкорлик билан иш юритилмоқда. Ҳозирги авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва келажакдаги авлодларнинг бардамлигини таъминлаш учун кўп иш қилиняпти.

Шу мақсадда Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да тўрт йилдан бери халқаро кўргазма ташкил этилаётир.

Воқеа арафасида

Шу йил душанба куни очиладиган «Саломатлик-98» деб номланган кўргазмада жаҳондаги турли мамлакатларнинг вакиллари бўлмиш юздан зиёд фирмалар ўз маҳсулотларини намойиш этишади. Тиббиёт соҳасида юксак тараққиётга эришган Англия, Германия, Франция, Швейцария, АҚШ, Австрия, Словакия, Финляндия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг илғор фирмалари юксак технология ва дори-дармонларни намойиш этадилар. Шуниси диққатга сазоворки, кўргазмада иштирок этаётган фирмаларнинг 30 фоиздан зиёди Ўзбекистон бозорига дастлабки қадамни қўйишаётир.

Мутахассисларнинг диққат-эътиборига юксак даражадаги тиббий қурилмалар, асбоб-ускуналар, дори-дармонлар ҳамда орасталик воситалари ҳавола этилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда Ўзбекистонимизда ҳам тиббиёт соҳаси учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод-фабрикалар, қўшма корхоналар сони кўпайиб бормоқда. Улар ҳам кўргазмада ўз маҳсулотларини намойиш этишади. Чунончи, «Ўзфармсаноат» давлат ҳиссадорлик жамияти, «Медиз» қўшма корхонаси, «Кетгут-Силк» ҳиссадорлик жамияти, «Хёрст фарм», «Технофарм» корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар ҳам мутахассису томошабинларда яхши таассурот қолдиради, деб ўйлаймиз. Кўргазмада бутун дунёдан дори-дармон келтириб, Ўзбекистон бозорини таъминлаётган «Экосан», «Жўрабек», «Фармед», «Интермед» қўшма корхоналарига ҳам катта ўрин берилган.

Ушбу кўргазмадан асосий мақсад тўғридан-тўғри амалий алоқаларни ривожлантириш ва Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга хизмат қилувчи технологияларни кўпроқ жалб этиш.

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мадади билан ITE Group (Лондон) фирмаси (бу фирма халқаро кўргазма ва конгресслар ташкил этиш бўйича жаҳонда пешқадамлик қилмоқда), шунингдек, Ўзбекистоннинг «Тибмаҳсулот» фирмаси томонидан ташкил этилган.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ

SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI OGOHLANTIRADI: CHEKISH SOG'LIQ UCHUN XAVFLI

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Аксарай» ҳиссадорлик жамияти ишбилармонлар ҳамкорлик бирлашмаси ўз фаолиятини

ТУГАТАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 40-19-26 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

АКЦИЗ — ИЖТИМОИЙ ХАРАЖАТЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Маълумки, солиқлар – давлат томонидан юридик ва жисмоний шахслар (аҳоли, корхона ва ташкилотлар)нинг даромади ёки мулкидан мажбурий ундириладиган тўловлардир. Ҳар биримизда баъзан шундай савол туғилиши мумкин: У ёки бу солиқ турини жорий этишдан кўзланган мақсад нима? Бунинг жавоби осон: солиқлар ҳар бир давлат учун муҳим аҳамиятга молик. Гап шундаки, солиқлар ёрдамида бюджет ресурслари ҳосил бўлади, янгича иқтисодий шароитларда давлат фаолиятининг моддий негизлари яратилади. Ана шу маблағлар ҳисобидан маданият, фан, даволаш ва ўқув юртлари муассасалари молиявий жиҳатдан таъминланади.

Солиқлар ёрдамида давлат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш шароитлари тартибга солинади, у ёки бу тармоқ ва ижтимоий инфраструктура ривожланиши рағбатлантирилади. Ўзаро бир-бирига боғланган ва аниқ ишловчи тизимли солиқларсиз самарали бозор иқтисодиётини тасаввур этиб бўлмайди.

Бозор ва истеъмолчи

Солиқларнинг бир тури бўлган акциз маркаси солиқ тизимида муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонда акциз солиғи илк бор 1992 йилда «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан солиқлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ жорий этилган. Маҳсулотларнинг муайян турларини, хусусан тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни сотувчи мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар акциз солиғи тўловчилари ҳисобланади. Мамлакатимиз бюджетида эса акциз солиғи салмоқли улушни эгаллаб, барча тушумлар орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Акциз солиғи ставкалари эса республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Афсуски, бозорлар ва дўконларда акциз маркаси бўлмаган турли фирмаларнинг тамаки маҳсулотларини учратиш мумкин. Улар мамлакатимизга ноқонуний кириб келган ва ноқонуний сотилаётган маҳсулотлардир. Бундан фақат сохта тадбиркорлар наф кўриб, давлат эса катта зиён кўраётир. Боз устига сифати ва қаерда, қачон ишлаб чиқарилганлиги номаълум бўлган тамаки маҳсулотлари соғлиқ учун ҳам ўта хавфли.

Президентимизнинг тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга (пиводан ташқари) акциз маркасини жорий этишни такомиллаштириш юзасидан чиқарган Фармони қандай бажарилаётганлиги республика божхоначилари ва солиқчиларининг доимий эътиборида бўлиб келяпти. Чунончи, солиқчиларнинг январь ойидаги рейд ва текширишлари давомида 2 миллион 104,4 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари ва 1 миллион 324,7 минг сўмлик алкоголли ичимликлар мусодара этилган. Ой давомида сотувдан тўхтатилган ноқонуний маҳсулотлар 6 миллион сўмликни ташкил этган. Лекин, харидорлар ҳам бу ишга ўз ҳиссасини қўшишлари лозим. Бунинг учун тамаки маҳсулотларини олаётган чоғда унда акциз маркаси бор-йўқлигига эътибор беришнинг ўзи кифоя. Акциз маркаси бўлса — демак бу қонуний сигарета! Билингки, қонуний сигаретага сарфлаган пулингиз ижтимоий дастурларни амалга ошириш ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш ҳисобидан яна ўзингизга қайтиб келади.

Алишер БЕК

ҲАЁТИ БАМИСОЛИ ТОҒ ЧАШМАСИ

Орамиздаги одамлар

Ҳаётда тасодифлар кўп. Шундай ҳоллардан бири яқинда рўй берди. Тошкентнинг шифо масканларидан бирида шоир Орифхон Одилхонов билан учрашиб қолдик. Вақт бемалол. У билан ҳаёт, адабиёт хусусида узоқ-узоқ суҳбатлашдик.

Матбуот саҳифаларида Орифхон Одилхонов қаламига мансуб шеърларга кўзим тушиб юрарди. Унинг номи билан чоп этилган китобларни ҳам варақлаганим бор. Узи билан учрашган пайтларимиз ҳам бўлган. Бироқ, бу галгидек яқиндан мулоқотда бўлган эмасдик.

Энди шоир ҳақида менинг тасаввурим анча кенгайди. Унинг ҳушчақчақ, хушфеъл, хушмуомала одам эканлигини англадим.

Билдимки, унинг ёшлик, йигитлик чоғлари енгил кечмаган.

— Уруш пайтларида мен тўрт-беш ёшлардаги бола эдим. Ҳаёт ночор эди: тирикчилик оғир, озиқ-овқат, кийим-кечак ҳам тансиқ, касалликлар кўпайган. Ота-онамнинг қийинчиликларига бардош бериб, кўп фалокатларни бошларидан ўтказганлари ҳамон эсимда, — дейди у ўзининг болалаги ҳақида.

Орифхон Одилхонов касб танлашда қатъий бир фикрда туриб, қишлоқ хўжалиги соҳасида етук мутахассис бўлиш орзусида эди. Шу мақсадда Тошкент Давлат қишлоқ хўжалиги институтига кириб ўқиган.

Шеърият унинг учун йўлдош касб сифатида пайдо бўлган. У ҳали болалик чоғлариданоқ ўзида шеъриятга қизиқиш борлигини ҳис қилган. Қофияга тиширилган бирор оҳангни эшитиб қолгудек бўлса, унда ажиб туйғулар уйғонган. Ниҳоят 1955 йилда шеърий машқларини республика газеталаридан бирига олиб боради. Бу шеър тез орада газетада эълон қилинади.

Шоирнинг биринчи машқи бастакор ва ҳофизларнинг эътиборини жалб қилди, ашула қилиб айтиладиган бўлди. Демак, янги қўшиқчи — шоир туғилди. Мана, қирқ йилдан ошяптики, Орифхон Одилхонов шу йўсинда қалам тебратади.

Унинг 100 га яқин шеърлари қўшиқ сифатида машҳурдир. Орифхон шеърларини йиғиб, бир неча бор китоб шаклида эълон қилган.

Ориф Одилхонов Паркент, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ туманлари бирлашган кезлари туманнинг «Суръат» газетаси қошида адабиёт тўгарагини ташкил қилиб, ишдан кейин бўш вақтларида унга бевосита раҳбарлик қилади.

Унинг бу хайрли иши бекорга кетмайди. Тўгарак аъзоларидан Хайриддин Султонов, Шарифа Салимова, Маҳмуд Тоиров каби иқтидорли ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқади. Ҳозирги кунда бу шоир, ёзувчиларнинг ҳам издошлари кўпайиб бормоқда.

Шоир етмишинчи — етмиш бешинчи йилларда чоп этилган «Баҳор атри», «Тоғда бир чашма», «Бодом гуллари», кейинчалик нашр қилинган «Умид юлдузлари», «Сўнмаган севгим», «Қўшиқ қуйласам», «Тоғлар таронаси» каби қатор шеърий тўпламларнинг муаллифидир. Ҳатто у тарихчи сифатида ҳам қаламини синаб кўради. 1988 йилда «Паркент тарихи» номли китоб яратади.

Орифхон Одилхонов шеърлари кўпроқ енгил услубда, тўғрироғи анъанавий йўсинда ёзилган. Унинг шеърлари мумтоз адабиёт ва оғзаки ижод намуналарига яқин туради. Мумтоз адабиёт намуналари сингари унинг шеърлари мусиқага туша беради. Ҳатто ўзининг эътирофига қарагандa шеърнинг ўзидан кўра унинг куйи олдин туғилади. Шу боисдан у кўпроқ дутор чалиб, маълум бир оҳангда шеър тўқишни ўзига одат қилган.

Услубан Орифхон Одилхонов табиат, инсон ва юксакликлар шоиридир. У шеър бағишлаган ҳар бир объект ёхуд воқеа ва ҳодисадан улуғворлик ва юксаклик излайди. Мана унинг шеърларидан парча:

Орзуларга боғланар қанот,
Баланд учган бургутни
кўрсанг.
Баҳринг очар ўзга бир ҳаёт,
Йўлни янги сўқмоққа
бурсанг.

Шоир ўзи таъсирланган адабий муҳит ҳақида гапирганда кўпроқ Ғ. Ғулом, Шайхзода, Миртемир номларини тилга олади. У Ғ. Ғуломнинг қуйидаги сўзларини ўзига йўлланма қилиб олган. «... Адабиёт шундай катта майдонки, бир қадам орқада қолсанг, бутунлай қолиб кетасан». Ёхуд «шеърият кўриниб турган нарсадек, табиий, содда ва жозибадор бўлиши керак».

Мавзу жиҳатдан шоирнинг шеърлари хилма-хил: ишқ-муҳаббат, садоқат, одамийлик, табиат кўрки, гуллар чамани, булбуллар навоси ва ҳоказолар. Тоғ юксакликлар салобати унинг барча шеърларида, бутун ижодида қизил ип бўлиб ўтади. Буни тушуниш қийин эмас. У тоғ фарзанди.

Ўзбекистонимизда сўлим жойлар кўп. Бироқ бир жой борки, уни халқимиз алоҳида эҳтиром билан тилга олади. Бу — тоғ тизмалари бағрида жойлашган Сўқоқ қишлоғи. Орифхон Одилхонов шу қишлоқда туғилган, ўсган, улғайган. Ҳозир ҳам шу қишлоқда туриб, фақат ижод билан эмас, балки ташкилотчилик, меҳнату қобилияти билан эл хизматида турибди. Унинг тоғу тошларга, жўшқин булоқларга, қушлар навосига, юксакликларга муҳаббати шу сўлим қишлоқ муҳити билан боғлиқдир.

Унинг қарийб ҳар бир шеърида тоғ манзараси намоён бўлади. Уларни ўқиб тоғнинг зилол булоқлари, шўх жилғалари, кўмкўк майсалар, лола ва қизғалдоқлардан гилам бўлиб тўшалган адирларни кўргандек бўламиз.

Орифхон Одилхоновнинг ўзига хос ҳаёт фалсафаси бор. — Бу фалсафа отамдан ўтган, — дейди у. «Одамларга доим яхшилик қил, яхшилик кўрасан» — деган отам. Шу боисдан мен ҳаётимни эзгуликка бағишладим — ижодимни ҳам, касбиқоримни ҳам.

Бугун Орифхон Одилхонов етуклик ёшида. Фақат табиат юксакликларига эмас, балки инсоний юксакликларга муҳаббат қўйган шоирнинг ҳаёти бамисоли тоғ чашмаси. Унинг мавжи сўнмас ва туганмасдир.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Саида ЙЎЛДОШЕВА,
навбатчи Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 36.136 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 01119

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Турли касб эгалари

ОДДИЙ ОДАМ, ОЛИЙ ОДАМ

Рустам Файзиевни Зомин туманидаги катта-кичик ҳурмат қилади. Чунки, у умри бино бўлибдики, эл хизматида. У дастлаб туман марказидаги Х. Боқиев номидаги 1 - мактабда ёшларга устозлик қилди. Биология, химия ўқитувчиси сифатида ўқувчиларга чуқур билим ва тарбия берди.

Рустам ака тумандаги вазиятни ҳисобга олиб, касбини ўзгартирди. Ўша пайтда туманда санитария ходимлари етишмасди. Шу боис у туман санитария-эпидемиология станциясига ишга таклиф этилди. Чунки бу ерда умумий овқатланиш гигиенаси лабораторияси очиш зарур эди. Ишбилармон, зукко Рустам Файзиев янги касбига астойдил меҳр билан киришди. Бунинг учун у мамлакатимиздаги марказий лабораторияларда ўқиб, малакасини оширди. Кейинчалик эса ана шу лабораторияни ишга туширишда бошқош бўлди.

Тез орада Рустам Файзиев раҳбарлигидаги лаборатория бутун вилоятга довруғ таратди. 1980 йилларга келиб ушбу муассаса жиҳозланиши ва иш кўлами жиҳатидан вилоятдаги энг илғор лабораториялардан бирига айланди. Рустам аканинг ишбилармонлигию тадбиркорлигини чуқур ҳис қилган вилоят раҳбарлари уни Дўстлик туманида янги очилган тиббиёт билим юртига директор ўринбосари этиб тайинлашди. Шундан сўнг унинг фаолияти ана шу билим юртининг ишини яхшилаш билан боғлиқ бўлиб қолди.

Кейинчалик у ўз билимини янада оширишга ҳаракат қилди. Шу боис Самарқанд паразитология илмий текшириш институтида қайтадан ўқиб билимини оширди. Зомин туманидаги тиббиёт соҳасидаги етук мутахассислардан бирига айланди.

Айни пайтда Рустам Файзиев кўплаб ёшларнинг севимли устози. У туманда халқ саломатлигини муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш бўйича серқирра фаолият юритмоқда. Тиббиёт хизмати аълочиси ҳисобланмиш Рустам Файзиев бундан буён ҳам эл соғлиғи йўлида ғайрат-шижоат кўрсатишига ишонамиз.

Ҳабиб ҲАЙДАРОВ

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 6

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
8.30 «Дилрабо садолар».
8.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.20 Спорт. Спорт. Спорт.
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.05 «Оила ва жамият».
10.25 «Кино янгиликлари».
10.40 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
11.00 Телевизион миниатюралар театри.
11.40 «Келажагимиз ворислари».
12.05 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
12.35—14.00 Кундузги сеанс. «Эгнар чашмаси». Бадиий фильм.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Уч қурбақа», «Чумчуқвой». Мультфильмлар.
18.30 «Биламиз-у, аммо...»
18.45 «Футбол майдонларида».
19.05 «Олам ва одам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Юрак кенгликларида». Ғуломжон Ёқубов.
21.35 «Вазият».
21.50 «Саҳна ҳаёти».
22.30 «Урдаккўл воқеаси». Бадиий фильм.
23.35 «Ахборот».
24.00—00.05 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Эгиз қушиқлар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қатрада қуёш».
21.10 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.55 «Бурч ва масъулият».
22.05 «Ойдиндаги қадамлар».
22.25 «Даракчи» (рус тилида).
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.35 — 23.40 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
Россия жамоат телевидениеси.
17.20 — 20.40
20.40 «Олимпиададан кейинги ўйлар...». 1-кўрсатув.
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
21.30 Эълонлар.
21.35 Экранда сериал: «Жиноят изидан». 5-серия. (Олмония).
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.40 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Йўлингиз бехатар бўлсин!»
20.10 «Бегойим».
20.35 «Бу бўстон аро».
21.10 «Дурдаршан».
21.45 Кинематограф. «Ҳаёт учун хавфли».
23.15 Араб эстрадаси.
23.45—23.55 «Мунаввар тонг истаб».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Шукрона».
18.20 «Сиҳат-саломатлик».
18.40 «Оиламиз оҳанглари».
19.05 «Ёшлик» студияси. «Нима учун?»
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мулкдор».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот»
21.00 «Айём васфи». Мусиқий дастур.
21.40 «Акс-садо».
22.15 «Ўзлигинг намоён қил». Телетанлов. Экранда — Самарқанд вилояти.
23.00 «Ахборот».
23.25 Бадиий фильм.
00.55—01.00 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.35 Ёввойи ҳайвонот олами.
19.10 Шарқ эстрадаси.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Очун».
20.15 Олтин мерос. «Шоҳи зинда». Видеофильм.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.25 Мумтоз наволар. Ака-ука Саидовлар қўйлайди.
21.45 «Даракчи».
21.55 Оҳанглар ва эълонлар.
22.05 «Мим салтанати». Бадиий фильм.
23.45 Кундалик.
23.55 «Спорт қитъаси».
00.25—00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Дастурнинг очилиши.
Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00
17.20 — 20.40
20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.30
21.30 Эълонлар.
21.35 «Олимпиададан кейинги ўйлар...» 2-кўрсатув.
22.00 «Аршин мол-алан». Бадиий фильм.
23.35—23.55 «Ахборот (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Телефакт».
19.30 «Наволарда аён этсам».
19.50 «Мусиқий дақиқалар».
19.55, 22.35 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Моҳир».
21.05 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.20 «Мусиқий дақиқалар».
21.25 «Дорихона» эшитади.
21.55 «ТВ-IVда немис тўлқини».
22.15 «Хит-коллекция».
22.40 «Қувноқ кино».
24.00—00.10 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 8

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 «Оҳангга тўлсин диёр». Мусиқий дастур.
8.55 Узлигинг намоён қил». Экранда — Самарқанд вилояти.
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.05 Инглиз тили.
10.35 Болалар учун спектакль. «Бахт қуши».
11.35 «Талаб ва таклиф».
12.05 «Остонаси тиллодан».
12.25 «Жараён».
12.45 «Қушиқ — маънавият кўзгуси».
13.20 «Олтин тақа». Мультфильм.
13.30 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
14.10—14.30 «Маслак ва мақсад».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кўзгу».
18.30 «Фермер». Тележурнал.
18.50 «Юрт қадри». З.Умарова.
19.05 «Ҳиммат».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Қарсак». Мусиқий шоу.
21.55 «Қонун ва биз».
22.30 Уз ТВ хазинасидан. Т.Мирзо. «Амир Темур». Видеофильм. 1-қисм.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ўзбекнинг юлдузлари».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 Жаҳон халқлари эртаклари.
18.35 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Толеъ»нома».
20.15 «Билиб қўйган яхши».

20.30 «Ахборот».
21.00 «Жозиба».
21.10 «Ғазал соғинчи».
21.30 Тарона.
21.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.30 «Даракчи» (рус тилида).
22.40 «Буюк изқуварлар. Коломбо». Сериал.
00.05—00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
Россия давлат телевидениеси.
6.30 — 8.00
17.20 — 20.40
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.35
21.40 «Нафосат дунёсида бир зум». (Дрезден галлереяси). Телекўрсатув.
21.55 «Само лочинлари». Фантастик фильм.
23.25 «Мусиқий жилолар». Фильм-концерт.
23.45 — 00.05 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.25 «Мезон».
20.45 «Азизим».
21.10 «Автосалтанат».
21.20 «Таширфлар ва таклифлар».
21.35 «Ёлқин».
21.55 «Дурдаршан».
22.30 Кинематограф. «Нодир шахс».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 9

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Туйғулар жаранги». Мусиқий дастур.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Лазиз».
9.20 «Мучал туйи».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 «Бармоқлар сеҳри».
11.00 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
11.20 «Эски уй соҳиблари». Мультфильм.
11.30 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.25 «Ватан, мадҳингни куйлайман». Мусиқий дастур.
12.50 Кундузги сеанс. «Катта бўлишни хоҳламайман». Бадиий фильм.
14.10—14.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қизиқарли учрашувлар».
18.35 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.50 «Теннис-клуб».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Тадбиркорлик пиллапоялари.
21.20 «Меҳр қолур, муҳаббат қолур». Мусиқий дастур.
21.55 «Бу қадим йўлларда». Публицистик кўрсатув.
«Сомон йўли» маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси:
22.15 «Само сирлари».
22.25 «Дунё».
22.35 «Ўзбек зиёлиси».
23.05 «Ахборот».
23.30 ЎзТВ хазинасидан. Т.Мирзо. «Амир Темур». Видеофильм. 2-қисм
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 Амир Темурга бағишлов.
19.00 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сир».
20.15 Амир Темурга бағишлов.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Одобнома».
21.10 «Темир бобо». Комилжон Баратов.
21.20 «Даракчи».
21.30 «Мусиқа теграсида».
21.50 Олтин мерос. «Регистон нақшлари». Видеофильм.
22.00 Оҳанглар ва эълонлар.
22.15 Оилавий экран. «Алишер Навоий». Бадиий фильм.
23.55—24.00 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00
17.20 — 20.40
20.40 «Моҳир». Телекўрсатув.
Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.30
21.35 «Брюс Ли ва Шаолин». Бадиий фильм.
23.05 «Тошкент: кеча, бугун ва эртага». Телефильм.
23.35 — 23.55 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Суҳбатдош».
19.25 «Дўстим ҳақида».
19.50 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.15 «Интерспорт».
21.35 «02» тўлқинида.
21.50 «Каталог».
22.00 «Видеомода—98».
22.20 «Мусиқий Олимп».
22.45 «Киносалон».
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 10

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот»
8.25 «Яхши қўшиқ — давр талаби».
9.00 «Юзма-юз».
9.20 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.05 Немис тили.
10.35 «Ҳавт сабоқлари».
11.05 «Созга солдим «Алпомишни».
11.30 «Аждодларимиз мероси».
11.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Хонобод».
12.05 Болалар учун. «Орзу».
12.20 «Меҳр макони».
12.40 Кундузги сеанс. «Қимматли бола». Бадиий фильм.
14.10—15.00 «Манзилимиз — Регистон». Адабий кўрсатув.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Малоҳат дарсхонаси».
18.30 «Озод ва обод юрт».
18.45 «Чаман ичра». Қ.Эсонова.
19.05 «Қалб гавҳари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Зиё сарчашмаси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Бастакор илҳоми».
22.00 «Парламент соати».
22.20 «Сеҳрли шуъла». Кинокўрсатув.
22.40 «Ёзув столидан репортаж».
23.05 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Маърифий дам олиш дастури:
23.30 «Азиз сиймолар».
23.50 Бадиий фильм.
01.25—01.30 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.40 «ХХ асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ёнмаган ёзувлар».
20.20 «Туйғуларим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Дубляж».
21.20 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 Бокс. Бокс. Бокс.
22.45 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
00.05—00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.10 Киноафиша.
17.15 Янгиликлар.
Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00
17.20 — 20.40
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.30
21.30 Эълонлар.
21.35 «Уз манфаатини кўзламай...». Бадиий фильм.
23.05 «Учинчи қўнғироқдан сўнг...»
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.40 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Йўлингиз бехатар бўлсин!»
20.10 «Бегойим».
20.35 «Бу бўстон аро».
21.10 «Дурдаршан».
21.45 Кинематограф. «Ҳаёт учун хавфли».
23.15 Араб эстрадаси.
23.45—23.55 «Мунаввар тонг истаб».

ШАНБА, 11

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳруҳ» клуби.
9.20 «Зиёрат».
9.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
9.50 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.10 «Ёшлар табассуми».
10.55 «Йигит омон бўлса».
11.15 «Чемпион билан учрашув».
11.35 «Шеър ва шуур».
11.45 «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
12.05 «Санамлар сарвари». 1-қисм.
12.35 Кундузги сеанс. «Зита ва Гита». Бадиий фильм. 1-серия.
13.40 Эстрада тароналари.
14.10—14.40 «Маънавият». Публицистик кўрсатув.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий дастур.
22.00 «Ёшлик» студияси. «Менга сўз беринг».
22.30 «Футбол тарихи».
23.05 «Ахборот».
«Тунги ёғду» дам олиш дастури:
23.30 «Титаник»нинг яратилиши». Кинокўрсатув.
23.50 «Жан Кристофф» Бадиий фильм. 9-серия.
00.45 — 00.50 Ватан тимсоллари.
II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Бугуннинг боласи».
9.25 «Ёнмаган ёзувлар».
9.50 «Туйғуларим».
9.55 «Дубляж».
10.15 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
11.05 Бокс. Бокс. Бокс.
11.25 Болалар экрани. «Астерикс ва Клеопатра».
12.35 «Гиннес шоу»си.
12.55 «Жонни Квест саргузаштлари». Мультфильм.
13.15 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
14.25 Кўрсатувлар дастури.
14.30 «Мутойиба».
14.50 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.40 «Мусиқа теграсида».
16.00 «Спорт қитъаси».
16.30 «Маслаҳат».
16.45 «Ўғирланган». Телесериал.
17.35 «Юрган дарё...»
17.50 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
18.10 Кўрсатувлар дастури.
18.15 «Даракчи».
18.25 «Боланинг тили».
18.40 «Сувости дунёсига саёҳат».
19.10 «Қонун ҳимоясида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Дилбарим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «ТВ ва театр».
22.10 «Даракчи».
22.20 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
22.50 «Спорт қитъаси».
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 Жаҳон киноси. Акиро Куросаванинг «Ран» фильми.
01.00—01.05 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.35 Дастурнинг очилиши.
Россия жамоат телевидениеси.
17.40 — 00.50
00.55—01.05 «Зангиота». Телефильм.
IV
10.00 «Рақслар қанотида».
10.30 «Шанба эртаги».
11.40—12.10 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз. («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили — ҳамма учун).
17.10 — 18.45 Туркия телевилениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Авторейд».
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Спектаклдан сўнг».
19.50 Клип-антракт.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Чинсэн».
21.10 «Ассалом, Франция!»
21.35 «Хит-коллекция».
22.00 «Киносалон».
24.00 «Спорт-марказ».
00.45 «Бу ажиб дунё».

01.00—01.10 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 12

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Болалар учун «Қўнғироқча».
11.25 «Санамлар сарвари». 2-қисм.
11.55 «Қалб тароналари».
12.15 «Менинг маҳаллам».
12.35 Кундузги сеанс. «Зита ва Гита». Бадиий фильм. 2-серия.
13.45 «Талабалик йилларим».
14.15 «Қувноқ стартлар». Телевизион ўйин.
14.55 — 15.20 «Тасвирга кўчган кўнгил».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ўйла, Изла, Топ!». Телевизион ўйин.
18.30 «Ёшлик» студияси. «Оила».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
Спорт дастури:
21.50 1. Спорт. Спорт. Спорт.
22.10 2. «Футбол тарихи» (футбол майдонларида).
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
22.50 Кино янгиликлари.
23.05 Жаҳон киноси юлдузлари.
23.25 «Маҳфий дипломатия». Бадиий фильм. 2-серия.
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.
II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Боланинг тили».
9.15 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
10.35 «Бизнес-академия».
10.50 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
11.40 «Сир».
12.00 Болалар экрани. «Оловуддин — қасрнинг биринчи қаҳрамони».
«Якшанбада яхши дам» дастури:
13.30 Кўрсатувлар дастури.
13.35 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.25 Хорижий эстрада. Мадонна.
14.40 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.30 «Интер-футбол».
16.10 «Нафосат».
16.20 Мультипанорама.
16.40 «Ўғирланган». Телесериал.
17.30 Жаҳон мумтоз мусиқаси хазинасидан. С.Рахманинов. «Паганини мавзусига рапсодия». Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ижро этади: Солист — Халқаро конкурс дипломанти: Барно Ҳақназарова.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.40 «Буш ўтирма».
19.00 «Синфдош».
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Бари ҳазил».
20.10 «Кенгга — к